*Асосий Қонунимиз қабул қилинганлигининг 6 йиллиги олдидан*

# ҚОНУНЧИЛИК ВА АДОЛАТ ГАРОВИ

**Конституциямизнинг афзаллиги ва туб моҳияти халқчил эканлигини такрор ва такрор ғурур билан эътироф этсак арзийди. Ҳа, у Ватанимизда тарихан биринчи марта ижод қилинган, мустақил давлатимизнинг, халқимизнинг заковатини, қадриятларини ўзида акс этган оламшумул қомусдир. Амалдаги Конституциямиз 1927, 1937 ва 1978 йилларда эълон қилинган мустамлакачилик конституцияларидан батамом фарқ қилади. Қарийб 130 йиллик мустамлака исканжасидан ҳалос бўлиб, мустақил нафас олишга интилган халқ, мамлакат, давлат 1990 йил 20 июнда Мустақиллик декларациясини эълон қилган куниёқ ўз Конституциясини ижод қилиш учун махсус комиссия тузди. Юртбошимиз Ислом Каримов раҳбарлигида олтмишдан зиёд турли соҳа мутахассислари Конституция лойиҳасини тайёрлашга киришди.**

Лойиҳа бирқанча тамойилларга асосланиб тузилди. Биринчи ўринда давлатимизнинг мустақиллигини эътироф этиб, шахс ва унинг манфаатларига олий қадрият деб қаралиши, инсон ҳуқуқларига содиқлик, ҳозирги ва келажак авлод олдидаги юксак масъулиятни бараллa таъкидлади. Иккинчидан, лойиҳа кўп асрли тарихий тажрибага эга бўлган ўзбек давлатчилигига, унинг сабоқларига таянди. Хусусан, бобокалонимиз Амир Темур тузукларидаги ғоялардан фойдаланилди. Учинчидан, инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдек улуғ вазифани ўз зиммасига олиш эътироф қилинди.

Лойиҳанинг мазмуни, унда қамраб олинадиган масалалар, таркибий қисмлари ва ҳар бир модда жаҳон андозаларининг энг юқори намуналарига мос келиши зарурлиги диққат марказида бўлди.

Ниҳоят, тайёрланган дастлабки лойиҳалар мутахассислар тақризидан ўтказилди. Лойиҳа муттасил такомиллаштирилиб, икки марта матбуотда умумхалқ муҳокамасига ҳавола қилинди. Эътиборга олинган 6 мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар кўлами шу қадар кўп ва сермазмун эдики, лойиҳани маълум даражада халқ ижоди деб ҳисобласа бўлади.

Ҳозир дунёдаги 180 дан зиёд давлатлардан 140 тасида Конституция ёхуд ижтимоий-сиёсий тузумни акс эттирувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат бор. Уларда давлат органларининг тизими ва асосий фаолият принциплари, қонунчилик, жамоат бирлашмалари, сайлов, молия каби бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган масалалар тартибга солинади ва айниқса фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари баён қилинади.

**Қамраб олинган масалаларнинг кўлами нақадар синчковлик билан тартибга солинганига қараб, конституциялар турли ҳажмда. Жумладан, энг катта ёшли 1787 йилда қабул қилинган АҚШ Конституцияси деярли тўққиз минг сўздан иборат. Уни энг қисқа ва лўнда деб ҳисоблашади. Бизнинг конституциямизда эса фойдаланилган сўзлар бор-йўғи олти мингтани ҳам ташкил қилмайди. 1950 йилда қабул қилинган Ҳиндистон Конституциясида 400 дан ортиқ модда ва 10 та илова, бизнинг конституциямизда эса 128 модда мавжуддир.**

Ҳаёт жуда кўп қиррали ва мураккаб воқеликларга бой. Уларни тартибга солиш, тўғри йўналтириш Конституцияга асосланган турли соҳа қонунларини қабул қилиш ва амалга киритишни тақозо қилади. Бу борада республикада эътиборга молик ишлар бажарилди.

Ватанимиз орзиқиб кутган, интилган, курашган мустақилликка эришганидан буён 245 дан зиёд қонун қабул қилинди. Қонун ижодкорлиги ҳеч қачон бу зайл тез суръатлар билан олиб борилмаган эди. Кейинги уч йилнинг ўзида Олий Мажлис 86 та Қонун ва қарийб 200 та қарор қабул қилди. Етмиш беш йиллик собиқ совет ҳуқуқшунослиги асосан жиноят ва ижтимоий хавфли ҳатти-ҳаракат билан курашга мўлжалланган бўлиб, бозор ва тижорат ҳуқуқи, шахсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқларга эътибор берилмасди. Аҳён-аҳёнда хўжалик ҳуқуқи тўғрисида ваъзхонлик қилинар, лекин қонун қабул қилинмаган эди.

Ҳаёт, унинг мазмуни мустақиллик йилларида тубдан ўзгармоқда. Бу борада қабул қилинган Фуқаролик кодекси, Оила кодекси, Ер кодекси, Солиқ ва Божхона кодекслари, Кадрлар тайёрлаш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурлари ва бошқалар Конституциямизга ва жаҳон андозаларига мос эканлиги шубҳасиз. Лекин лойиҳаси тайёрланаётган қонунларимиз бир талай. Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтилганда, «...адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт».

Президентимиз «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида «Инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири - бу тинч яшаш ҳуқуқидир», деб ёзган эди. Шунга амал қилиб, Конституциянинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар тўғрисидаги боби ана шу узвий ҳуқуқни эътироф қилиш билан бошланади. Унда шахсий эркинлик ва дахлсизлик, турар жой дахлсизлиги, фикрлаш, сўз, эътиқод ва виждон эркинлиги кабилар ҳақида қатор моддалар мавжуд. Шахснинг сиёсий, иқтисодий ва бошқа ижтимоий ҳуқуқлари ҳам батафсил ифода этилган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, совет конституцияларида гўё фуқароларга ҳуқуқ ва эркинликлар улашиб берилгандек сўз юритилар эди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси эса, бу дахлсиз, узвий инсоний ҳуқуқ ва эркинликлар давлат томонидан тан олинибгина қолмай, уларни тегишлича амалга оширилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ҳаққоний таъминлаш, кафолатлаш давлат зиммасига олинади. Ўз навбатида фуқаролар ҳам Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар. Улар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмаслиги шарт. Афсуски, бундай кўнгилсиз ҳолатлар ҳали кўп тарқалган. Қани энди, Президентимиз такрор-такрор умид қилганидек, фидойилар кўп бўлса-ю нопокликларга, тўрачиликка, порахўрликка барҳам берилса!

Конституция қонунчилик ва адолатнинг асосий гаровидир. Шу сабабли ҳам фуқаро, Ватанимизда истиқомат қилаётган инсон Конституциямизнинг мазмунини билиши, ундан баҳраманд бўлиши айни муддао. Қонунчиликка итоат қилиш ва ҳаётимизнинг барча жабҳаларида одилона иш юритиш дастлаб қонун-қоидалардан хабардор бўлишга боғлиқ. Қонунларни нафақат билиш ва тушуниш, улардан самарали фойдаланиш, уларга суяниш, амалга ошириш, бошқаларга ҳам тарғиб қилиниши, эъзозланишига эришиш ҳам фарз, ҳам қарз. Олий Мажлис жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тўғрисида махсус дастур қабул қилганининг боиси ҳам шунда. Шахс ўз ҳақ-ҳуқуқини билмас экан, ундан тўғри ва тўла фойдалана олмайди, шахс ўз бурч-мажбуриятларини билмас экан, уни батамом бажариши мушкул. Афсуски, Конституция ва қонунларни билмаслик оқибатида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар, ҳатто жиноятлар оз эмас.

Ўз ҳуқуқи ва эркинликларини ҳис қиладиган шахсгина ваколатли давлат органларига, мутасаддилар ёки вакилларга ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиши, Асосий қонуннинг 35-моддасида акс эттирилган бу имкониятидан фойдаланиши мумкин. Айни вақтда қонундан тўғри, инсофли фойдаланиш лозим. «Ҳуқуқим бор» деб бўҳтон, туҳмат қилиш, сохта хабарлар бериш гуноҳ. Менимча, масаланинг ана шу жиҳатига эътиборни кучайтириш, ноҳақ аризалар ёзиб давлат идораларини, ходимларнинг қимматли вақтини олиб, ўз ҳамюртларини сарсон-саргардон қилиб, кайфиятини бузиб юрувчиларга қатъий чоралар кўриш, ҳеч бўлмаганда аризани текшириш учун қилинган сарфларни ундириб олиш керак.

Конституциямизда илк бор ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлиниши, уларнинг ўз вазифаларини бажаришда бир-бирларига ҳалал бермаслиги аниқ мустаҳкамлаб қўйилди. Ўтмишда судлар ҳокимият деб ҳисобланмас, ижро этувчи ҳокимият, тўғрироғи партиянинг дастёрига айлантириб қўйилганди. Амалдаги Конституциямиз бу ҳолга чек қўйди, суднинг чинакам мустақиллигини, эркинлигини таъминлади, обрўсини тиклади. Судсиз ҳукм чиқариш ва жазолашдек шармандали ҳоллар у ёқда турсин, ҳатто хўжалик низоларини ҳам суддан ташқари, маъмурий тарзда ҳал қилиниши таъқиқланади. Дарҳақиқат, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ҳолларига оид низоларни ҳал этиш, адолат ва ҳақиқатни тиклаш фақат судларнинг ваколати бўлиб қолмоғи лозим. Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар қандай чеклаш устидан судга мурожаат қилиш имконияти таъминланиши зарур.

**Конституциямиз мана олти йилга яқин асосий дастур тарзида бехавотир, тинч ҳаётимизга кафолат, ислоҳотларимизнинг равон йўлини ёритувчи машъал бўлиб хизмат қилмоқда. Ундаги ҳар бир фикр, маъно йилдан-йилга янада чуқурроқ ўз ифодасини топмоқда.**

**Ғафур АБДУМАЖИДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Конституцион судининг судьяси, юридик фанлари доктори.**

*24 октябрь - БМТ ташкил топган кун*

# ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Бу йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилганига 53 йил тўлади. Дастлаб дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида тузилган ушбу ташкилотнинг фаолияти ҳозирги кунга келиб инсоният ҳаётининг қарийб барча жабҳаларини қамраб олди. БМТ Бош котибининг ушбу сана муносабати билан эълон қилинган баёнотида бу ўзининг аниқ-тиниқ ифодасини топган. Ҳозир бутун дунё ягона оилага монанд бирлашаётган пайтда, яъни глобаллашув шароитида ҳар қандай муаммо бир давлат чегарасида қолиб кетмайди. Алоҳида бир мамлакатнинг унга қарши курашишга қурби етмайди. Айрим муаммолар борки, уларнинг ечимини излаш ҳатто БМТдек катта тузилма учун ҳам осон кечмайди. Айни пайтда Америка ва Европа мамлакатларига ҳам ўз таъсирини ўтказаётган Осиёдаги молиявий бўҳрон сингари жаҳоншумул муаммоларни ечишга уриниш, албатта, бўрон билан курашиш каби мушкул иш. Лекин шундай бўлса-да, биз бўроннинг олдини олиш эмас, миллионлаб инсонларни у келтириши мумкин бўлган жабрдан холи қилиш йўлидан бормоқдамиз. Ўзгаришларни қийинчиликларсиз ўтказиш, уларни бошқариш учун ҳам янада кучлироқ жипслашувимиз лозим.

Гапни Бош котиб Кофи Аннан баёноти билан бошлаганимизнинг сабаби бор. У бу лавозимни эгаллагач, ташкилот таркиби, фаолият йўналишларида янгиланишлар рўй бера бошлади. БМТ фаолиятини такомиллаштириш, жаҳоншумул муаммоларни ҳал этишда мамлакатларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларини кучайтиришга кўпроқ эътибор қаратилди. Шу ўринда К.Аннан янгиланишлар борасида илгари сурган таклифларнинг аксар қисми ҳали муҳокамада бўлса-да улардан айримларини санаб ўтиш жоиз. Булар - БМТ таркибига кирувчи тузилмалар ваколатхоналари фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш, жаҳоншумул муаммоларга бағишланган халқаро анжуманлар якунларини ҳаётга татбиқ этишни кучайтириш, шунингдек, ташкилот таркибидаги ва нодавлат тузилмалар ҳамда ҳукумат органларининг ўзаро англашув ва юксак ишончга таянган муносабатини йўлга қўйиш, яъни, мухтасар қилиб айтганда, «ягона уй» барпо этиш.

Маълумки, БМТ ташкил топганидан буён унинг таркибида кўплаб тузилмалар пайдо бўлди. Улардан айримларининг фаолият доирасида эса туташ жиҳатлар юзага кела бошлади. Бу англашилмовчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ҳолатдир. Яъни, гоҳо бир муаммо ечимига бир неча тузилма бош қўшса, бошқа бир муаммо умуман назардан четда қолиб кетади. Шу боис, ташкилот таркибидаги тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш лозим.

Мухтасар айтганда, К.Аннаннинг таклифлари бугунги кунда ўзининг долзарблиги ва муҳимлиги билан кўпчилик диққат- эътиборини тортмоқда. Унинг баёнотида таъкидланишича, айни пайтда нодавлат ташкилотларнинг ҳамжиҳатлигини ҳам кучайтирмоқ зарур. Зеро, бу сайёравий фуқаролик жамиятини барпо этишдаги муҳим омиллардан бири саналади. Бундай ҳамкорликнинг самараси ўлароқ, ўтган йили эришилган натижаларни айтиб ўтишнинг ўзиёқ кифоя қилади. Масалан, пиёдаларга қарши қўлланиладиган миналарни тақиқлашга қаратилган халқаро компания ҳамда жаҳон нодавлат ташкилотларининг Халқаро жиноий суд тузиш мақсадида коалицияга бирлашгани ана шулар жумласидандир.

БМТ ташкил топган кун муносабати билан ушбу ташкилотнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасида ўтказилган матбуот анжуманида ҳам шулар ҳақда сўз борди. Бу тадбир шуниси билан муҳимки, унда БМТнинг юртимизда ваколатхонасини очган таркибий тузилмалари - Жаҳон Банки, Тараққиёт дастури, Халқаро валюта жамғармаси, Қочқинлар масаласи бўйича олий комиссарлик, ЮНЕСКО, Наркотик моддаларни назорат қилиш дастури /ЮНДКП/, Болалар жамғармаси /ЮНИСЕФ/, Аҳолишунослик жамғармаси /ЮНФПА/, Саноий тараққиёт дастури /ЮНИДО/ раҳбарлари иштирок этди. Анжуман иштирокчилари ўзи раҳбарлик қилаётган тузилма фаолияти, у билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари хусусидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

Мамлакатимизнинг БМТ ва унинг таркибий тузилмалари билан ҳамкорлиги ҳақида кўплаб ижобий фикрларни айтиш мумкин. Аввало, шуни таъкидлаш керакки, бу ҳамкорлик жуда кўп соҳаларни ўз ичига олган. Масалан, таълим, маданият ва санъат соҳасидаги алоқаларга тўхталиш мумкин. Шу кунларда ўтказилаётган икки катта тантанага - Имом ал-Бухорий ҳамда Аҳмад ал-Фарғоний юбилейларига ЮНЕСКО ҳам бош қўшганлиги эътиборга моликдир. Ушбу ташкилот Ўзбекистоннинг Бухоро ва Хива шаҳарларини жаҳон қадимий шаҳарлари рўйхатига киритган. ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги вакили М.Барри Лейннинг таъкидлашича, мазкур рўйхатга Самарқандни ҳам киритиш режалаштирилган. Бундан ташқари, ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Бухоро ва Хивадаги осори атиқаларни таъмирлаш, шунингдек, яқинда Тошкент Давлат университетида Улуғбек кафедрасини очиш, йил охиригача таълим, халқ амалий санъатига бағишланган халқаро анжуманлар ўтказиш мўлжалланган.

Бундан ташқари, БМТ тузилмалари ёрдамида юртимизда аҳоли, айниқса, болалар ва оналар саломатлигини муҳофаза қилиш каби ижтимоий масалалардан тортиб, қочқинларни ўз ватанига қайтариш сингари сиёсий масалалар бўйича ҳам кенг ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг ушбу ташкилот билан муносабатлари тобора ривожланиб бормоқда.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**



**Норин туманидаги «Ҳаққулобод» тикувчилик фабрикаси жамоаси истеъмолчилар талаб истакларини ўрганган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Шу боисдан ҳам фабрика тикувчилари томонидан сотувга чиқарилаётган кийим-кечаклар харидоргир.**

**Суратда: жамоа ютуғига муносиб ҳисса қўшиб келаётган чевар тикувчи Марғубахон Турғунова.**

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

# «МУЛОҚОТ» ИШГА КИРИШДИ

Юксак маънавиятли, ҳар томонлама баркамол инсонларни тарбиялаш, маърифий мафкура таълимини янада такомиллаштириш, омма орасида миллий уйғониш ғоясини чуқур тарғиб этиш масъулияти турмушимизга шиддат билан кириб келаётган бозор иқтисодиёти шароитида жамоат ташкилотлари фаолларининг бирламчи вазифасига айланиб бораётир. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг «Маънавий-маърифий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори дастуруламал бўлмоқда.

Шу маънода Наманган вилоятида савобли ишга қўл урилди. Юқоридаги қарордан келиб чиқадиган вазифаларнинг амалда бажарилишини таъминлаш мақсадида Чуст тумани таълим ва фан ходимлари касаба қўмитаси қошида туман халқ таълими бўлими, «Нуроний»,«Маҳалла»,«Камолот»,«Соғлом авлод учун»,«Олтин мерос» жамғармалари ҳамда «Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази» бўлимларининг саъй ҳаракати билан маънавий ишларни ўрганувчи «Мулоқот» жамоатчилик кенгаши тузилди, 1998-2000 йилларга мўлжалланган тадбирлар маъқулланди.

«Мулоқот» кенгаши ўз олдига, миллий истиқлолимизни мустаҳкамлашга қаратилган давлат сиёсатини кенг тарғиб этиш, таълим тизими ходимлари орасида маънавий-маърифий мафкура таъсирчанлигини ошириш, ҳуқуқий маданият салоҳиятини кучайтириш, миллий қадриятларимизга хурмат ҳамда порлоқ келажакка ишонч ҳиссиётини уйғунлаштириш, айни пайтда жойларда ўтказиладиган мафкуравий тарғибот ишларида ёшлар ва кекса авлоднинг ҳамкорликдаги фаоллигини ошириш, ижтимоий педагогик марказлари фаолиятини янада жонлантириш, кам таъминланган ёрдамга мухтож оилаларни бозор шароитида ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш, туман миқёсида маҳалла ва қишлоқ фуқаролари йиғини кенгашларининг бу борадаги таъсирчанлигини кучайтириш каби асосий юмушларнинг намунали бажарилишини таъминлашни мақсад қилиб олди.

Кенгаш хозирнинг ўзидаёқ маҳалла гузарлари, қишлоқ марказларида маънавият марказларини ҳамда оталар чойхоналарини ташкил этишга киришди. Айни пайтда туман касаба уюшма қўмитаси, фуқаролар йиғинлари ҳамкорлигида 59700 сўмлик дарслик китоблари ва ўқув-қуроллари мухтож оилалар фарзандларига тарқатилди.

**О.НУРМАТОВ,**
**Чуст туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси мутахассиси.**

*Ўзбекистон - Қозоғистон*

# ҚАРДОШ ЮРТ, ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Мустақилликнинг ўтган етти йилида Қозоғистонда ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Истиқлол, айниқса, мамлакат иқтисодиётининг тараққиёт йўлига тушиб олиши учун беқиёс имкон берди.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари олис тарихга бориб тақалади. Ўзбек ва қозоқ халқлари қадим Туркистон ҳудудида истиқомат қилаётган тарихи, ери, суви, офтоби ягона бўлган халқлардир. Зеро, уларнинг қондошлиги аввало, қадим туркий эл фарзандлари экани билан ҳам изоҳланади.

Мустақилликнинг илк давридаёқ, 1992 йилда мамлакатларимиз ўртасида Абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланган эди. 1995 йилнинг май ойида Қозоғистонда Ўзбекистон кунлари муваффақият билан ўтди. Унда юртимизнинг маданият ва санъат соҳаларида эришган ютуқлари билан бир қаторда, иқтисодий ва илмий-техникавий имкониятлари ҳосили - авиасозлик, машинасозлик, тўқимачилик ва енгил саноат, тиббиёт ва қишлоқ хўжалиги товарлари, замонавий асбоб-ускуналар, шунингдек, Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон қўшма корхоналари ишлаб чиқараётган турли маҳсулотлар намуналари намойиш қилинган эди.

Ўтган йили Президентимиз Ислом Каримов расмий ташриф билан Қозоғистонда бўлди. Мазкур ташриф икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини юқори босқичга олиб чиқди. Чунончи, унда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида кўп томонлама ҳамкорлик ва дўстона алоқаларни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация, ҳуқуқий ёрдам ҳамда фуқаро, оила ва жиноят ҳуқуқлари бўйича муносабатлар ҳақидаги шартнома, икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия тузиш тўғрисидаги протокол, шунингдек, савдо-сотиқ, алоқа, темир йўл, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик бўйича ҳужжатлар имзоланган эди.

Мамлакатларимиз ўзаро ҳамкорлигининг яна бир жиҳати бу Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида Ягона иқтисодий маконнинг барпо этилишидир. Хусусан, энергетика, экология, сув ресурслари бўйича аниқ режа асосида иш юритиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланишга катта эътибор берилаётир. Орол муаммоларини ҳал қилишда ҳам мамлакатларимиз елкама-елка туриб фаолият кўрсатмоқда.

Қувончлиси, Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайиб бормоқда. Уни самарали, ўзаро манфаатли ва маҳсулдор ҳамкорлик, деб ҳисоблаш жоиздир.

Иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун мамлакатларимиз ўртасида мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган. Шу ўринда айтиш керакки, Қозоғистон Ўзбекистоннинг етакчи савдо шерикларидан биридир.

1997 йилда мамлакатларимиз ўртасида умумий савдо айланмаси 214 миллион АҚШ долларини ташкил қилган эди. Бу кўрсаткич йил сайин ўсмоқда. Бугунги кунда юртимизда 45 та Ўзбекистон-Қозоғистон қўшма корхонаси фаолият кўрсатаяпти. Шунга қарамай, савдо-иқтисодий муносабатларимиз кўламини янада кенгайтириш учун ҳар икки мамлакатда катта имкониятлар мавжуд.

Шуниси қувонарлики, Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик йил сайин ривожлангани ҳолда халқларимизнинг қардошлик муносабатлари ҳам янада мустаҳкамланиб бормоқда.

**Аброр ҚИЛИЧЕВ,**
**шарҳловчи.**

# ТЕРГОВНИ ЭКСТРАСЕНС ОЛИБ БОРАДИ

Бедарак йўқолган қизчани милиция бир неча кун қидирди, аммо уни ер остидагини «кўриш» қобилиятига эга бўлган аёл топиб берди.

Шу йилнинг баҳорида бутун Қозон шаҳри аҳли сирли равишда ғойиб бўлган саккиз ёшли Аида тарихидан оёққа қалқди.

Милиция қизчани болалар хоналари, касалхоналардан... кўп излади. Уни эса ҳарбий қисмдаги ҳаробазордан, япроқларга кўмилган, бўйнига тиканли симдан маржон тақилган ҳолда топишди. Тергов қизчанинг қотили... унинг ўз онаси - 45 яшар ошхона ходимаси эканлигини аниқлади. Қўшнилар қизча йўқолган куни уни онаси торткилаб ҳовлидан олиб чиқаётганлиги ва йўл-йўлакай қулоғидаги зирагини юлиб олаётганлигини кўрганликларини маълум қилишди. Қидирув бораётган кезлар она бир марта ҳам қизиқиш билдирмаганлигининг ўзиёқ анчайин шубҳали эди. Туман ички ишлар бошқармасига эса гумондор бўлиб қолмаслик учунгина қўнғироқ қилган экан...

Бироқ бу даҳшатли воқеа шаҳарнинг Москва туманидаги 55-мактаб ўқувчилари билан кечган қўрқинчли воқеа соясида қолиб кетди. Икки дугона: 8 ёшли Аделя Ахметзянова ва 9 ёшли Люба Трудова бедарак йўқолишди. Уларнинг ота-оналари ўша машъум шанбада қишлоққа картошка қазигани кетишганди. Кечқурун уйга қайтиб болаларини топиша олмади.

Милиция кўча-ҳовли ва мавзеларни бирма-бир тинтиб чиқди: таниш ва қўни-қўшнилардан суриштирди, қизчаларнинг суратлари телевидение орқали намойиш этилди. Кутилмаганда мудҳиш топилма мактаб ҳовлисидаги қумдондан чиқди. Қум ўйнаётган болакай дўнгликни тешиб... Аделянинг бошига дуч келган эди!

Суд- тиббиёт экспертлари қизча бўғиб ўлдирилганлигини тасдиқлашди. Зўрлаш белгилари шундоқ кўриниб турарди. Любани қидириш давом эттирилди. Унинг қисматида ҳам шу кўргиликлар ёзилганлигига энди ҳеч ким шубҳаланмасди.

Буни дастлаб унинг адаши - башоратчи Любовь кўзгуда кўргандай бўлди. Қизчанинг сурати телеэкранда намойиш этилганда у ичидан нимадир узилиб кетганини ҳис этди. Усти-га-устак табиий қобилият қизчани қаердан излаш лозимлигини айтиб берди унга. Ва у милиция ходимларига ўша даҳшатли жой - ҳали яқинда Аделянинг мурдаси қазиб олинган айнан ўша мактаб, худди ўша қумдонни кўрсатди. Қарангки, қумдонни чуқурроқ қазиш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган эди. Фолбиннинг айтгани рост бўлиб чиқди: Любани ўша чуқурдан дугонаси сингари ўлдирилган ва ҳақоратланганлик аломатлари билан қазиб олишди.

Бироқ бу уйлар орасидан топилган охирги мурда эмас эди. Турар жой биноси деворлари остидан чамаси сиртмоқ билан бўғиб ўлдирилган яна бир аёлнинг жасади чиқди. Мазкур қотиллик тезкор гуруҳни унинг куёви томон етаклаб борди. Сир пардаси кўтарилди. Унинг қизи - ўлдирилган қизчаларнинг тенгдоши бўлиб, уларнинг изи худди шу хонадон остонасида узиларди. Қўлга олинган куёв номусга текканлик учун муддатини ўтаб қайтган рецидивист бўлиб чиқди. Ва ҳар учала мурда унинг иши эканлиги тез орада аён бўлди.

Терговда яна шулар маълум бўлдики, ўша куни қизчалар дугоналарини йўқлаб уникига киришган. Болалар ўйнаб ўтиришган асnода куёв қайнонаси билан айтишиб қолган. Даҳанаки жанг, аланга олиб охир оқибатда куёв қайнонасини кўйлак белбоғи билан бўғиб ўлдиришгача етган. Буларнинг ҳаммаси даҳшатга тушган қизчалар кўз ўнгида содир бўлган. Табиийки, газанда ихтиёрсиз гувоҳлардан ҳалос бўлишга қарор қилган. Ва у ҳар икки қизчани ўша белбоғ билан бўғиб ўлдирган. Қизига эса... Фақат уни кўрқитиб юз берган воқеа ҳақида чурқ этмаслик шарти билан шафқат қилади. Аёл жасадини тунда тўртинчи қаватдан зинапоядан судраб тушиб, уй йўлагидан сал нарига бориб кўмади. Қизчаларни эса мактаб ҳовлисига «дафн этади», ўзини шубҳадан форир қилиш учун уларнинг қонли кўйлакларини чор атрофга улоқтириб чиқади. Ўша оқшомда унинг уйига қизчаларнинг ташвишга тушган ота-оналари сўроқлаб келишади, милиция безовта қилади... Агар улар бу вақтда ушбу касофат хонадон тубида рўй берган воқеадан хабар топишгандами!

Бир қарашда тергов ниҳоясига етган каби. Ахир гумондор айбига иқрор бўлиб тургач, яна нима ҳам қоларди изқуварларга. Лекин ушбу воқеада яна бир жумбоқ бор: фолбин жиноятчи ёлғиз ўзи ҳаракат қилмаган, унга шериги ёрдамлашган деган фикрда. Агар муқаддам айтганлари рост бўлиб чиққанлиги эътиборга олинса, унинг бу фаразига қўл силташ ҳам енгилтаклик бўлиб туюлади. Боз устига у жиноятчи шеригининг қиёфасини шу қадар аниқ тасвирлайдики, бемалол фоторобот тарзида қўллаш мумкин! Эҳтимол ушбу чигал ишга нуқта қўйишга чиндан ҳам эртадир!

(«Труд» газетасининг 192-сони).

# Юқори сифатли Хоразм шакари

«Хоразм шакар» давлат корхонаси номига Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификациялаш марказидан илҳомбахш телеграмма келди. Унда Ҳазорасп туманидаги шакар заводи маҳсулотининг сифати ушбу маҳсулотга қўйилган ҳамма талабга тўла жавоб бериши ҳақида марказнинг минтақа бўлинмаси мутахассисларининг хулосаси тасдиқланган. Ҳақиқатан хам, шакар таркибидаги сахароза миқдори 99,76 фоизни ташкил этади, бу ҳатто меъёрдагидан ҳам кўпроқдир.

- Ҳозиги кунда завод кунига 1500-1600 тонна қанд лавлагини қайта ишламоқда, - дейди корхонанинг бош технологи Арслон Абдуллаев. - Бу имкониятларимизнинг фақат ярми холос. Ишлаб чиқариш қувватини ўзлаштираётган бир даврда асосий эътиборимизни маҳсулот сифатига қаратмоқдамиз. Шуни хам айтиш ўринлики, ишлаб чиқариш технология даражаси юқорилиги ва унинг энг юқори халқаро андозаларга мослигини Қирғизистон ва Молдовадан келган мутахассислар ҳам тасдиқламоқда.

**Т.ШАМАКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

